

Шомнинг шарқий тарафидаги Сиффин жанги



14:10 / 09.12.2024 2598

(ҳижрий 37, милодий 657 йил)

Сиффин жанги ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу билан Муовия розияллоҳу анҳу ўртасида бўлди. Бу икки саҳоба орасидаги элчиларнинг бориб-келишлари натижа бермади. Икки тарафнинг лашкари Фурот дарёси бўйидаги Сиффин пасттекислигида тўқнашди. Орада жанг бошланди. Икки тарафдан ҳам жуда кўп одамлар ўлдирилди. Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳунинг лашкарлари ғалабага эришишига озгина қолганда, Шом аҳллари найзаларнинг учига мусҳафларни боғлаб, баланд кўтардилар. Улар Аллоҳ таолонинг Китобини ҳакам қилишни талаб этдилар. Буни Муовия лашкарининг қўмондони Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу ўйлаб топган эди. Бу билан у урушни тўхтатишни хоҳлаган эди. Шундай бўлди ҳам. Уруш тўхтади. Икки тараф ҳакамлари учрашдилар, лекин келишувга

эришилмади. Ҳакамлик шартномаси ёзилди. Лашкарлар келган жойларига қайтдилар.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.